**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ**

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ ҚАРАРЫ**

Нукус шаҳри — Нөкис қаласы

№ 331 «21» май 2018 ж.й

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги 297-сонли қарори ҳақида**

**(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3549-сонли қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентиниг 2018 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3549-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 297-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги;

б) вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштириш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.И.Нагметов ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Т.Р.Баекеев зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг Раиси** **К.Сариев**

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR KENGASHI
QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI MINISTRLER KENESI
UMUMIY BO'LIM
ULIWMA BO'LIM

**Вазирлар Кенгашининг**
**2018 йил 21 майдаги**
**331-сон қарорига**
**илова**

## Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар.

1. Вазирлар Кенгашининг 2004 йил 20 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 ноябрдаги "Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 555-сонли қарори ҳақида"ги 202/5-сонли қарорида 2 банд билан маълумот учун қабул қилинган:

а) "а"-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тузилмасида ходимларнинг энг кўп сони 89 нафардан иборат бўлган "Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази" давлат муассасаси (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил қилинсин";

б) "б"-бандда:

биринчи хатбошида "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг" сўзлари "Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг" сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Белгилансинки, Марказнинг вилоят бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади";

в) "д"-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан тасдиқланадиган смета доирасида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шу жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиялар берилиши учун давлат божлари тўлашдан тушадиган ҳамда мониторинг ва назорат органларини сақлаб туришга йўналтириладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади";

г) "ж"-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Марказни босма ва китоб маҳсулотининг бепул назорат нусхаларини оладиган ташкилотлар рўйхатига киритсин";

д) "з" банддаги 2-иловада:

1-банднинг биринчи хатбошидаги, 2 ва 19-бандлардаги "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг" сўзлари "Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг" сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг биринчи хатбошидаги "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига" сўзлари "Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига" сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан тасдиқланадиган смета доирасида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шу жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиялар берилиши учун давлат божлари тўлашдан тушадиган ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида мониторинг ва назорат органларини сақлаб туришга йўналтириладиган маблағлар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади";

10-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги "ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг" ва "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири томонидан" сўзлари тегишли равишда "Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг" ва "Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори томонидан" сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг тўртинчи хатбошидаги ва 17-банддаги "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан" сўзлари "Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан" сўзлари билан алмаштирилсин;

е) маълумот учун қабул қилинган 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Кенгашининг 2005 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги "Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида"ги 256-сонли қарори ҳақида"ги 147/5-сонли қарорида 2 банд билан маълумот учун қабул қилинган Давлат органларининг ахборот тизимларини яратиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"3. Ягона электрон реестрлар ва маълумотлар базаларини шакллантириш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол қўллаш ҳисобига улар фаолияти самарадорлиги, тезкорлиги ва очиқлигини ошириш, улар томонидан кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари доирасини кенгайтириш ва сифатини ошириш, давлат бошқа органлари, юридик ва жисмоний шахслар билан идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил қилиш Давлат органларининг ахборот тизимларини яратишнинг мақсади ҳисобланади";

б) 5-банднинг олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан "ягона дарча" тамойили бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш учун "Электрон ҳукумат" тизими идоралараро интеграцион платформа билан интеграциялашиш имконияти, бунда электрон давлат хизматларини кўрсатадиган давлат органи кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотларни мустақил равишда, ариза берувчининг иштирокисиз, идоралараро электрон ҳамкорлик воситасида олади".

3. Вазирлар Кенгашининг 2006 йил 30 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 214-сонли қарори ҳақида"ги 176/10-сонли қарорида 2 банд билан маълумот учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 8-банднинг учинчи хатбошидаги "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг" сўзлари "Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг" сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 16-банддаги "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг" сўзлари "Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг" сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-иловадаги "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги" сўзлари "Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг" сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Кенгашининг 2012 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги "Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот- коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида тўғрисида"ги 24-сонли қарори ҳақида"ги 26-сонли қарорида 2 банд билан маълумот учун қабул қилинган "а"-бандининг биринчи, олтинчи ва еттинчи хатбошиларидаги ва "б"-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги "Компьютерлаштириш маркази" сўзлари "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Кенгашининг 2012 йил 9 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алишер Навоий номидаги Узбекистон миллий кутубхонаси-ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2012 йил 20 мартдаги ПҚ-1729-сонли қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 98-сонли қарори ҳақида"ги 93-сонли қарорида 2 банд билан маълумот учун қабул қилинган Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомиинг 5-банди иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"60 фоиз - Миллий кутубхона ва республиканинг ахборот-коммуникация муассасалари фаолиятига янги ахборот-коммуникация технологияларини, дастурий таъминотни жорий қилишга ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, шунингдек, Республика ахборот-кутубхона маркази фаолиятини молиялаштиришга".

6. Вазирлар Кенгашининг 2012 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 декабрдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини янада ривожлантириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тўғрисида"ги 356-сон қарори ҳақида"ги 334-сон қарори билан маълумот учун қабул қилинган Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 5-бандида:

а) ўн учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) ўн тўртинчи ва йигирма тўртинчи хатбошилар тегишли равишда ўн ўчинчи ва йигирма ўчинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) қуйидаги мазмундаги йигирма тўртинчи ва йигирма бешинчи хатбошилар қўшилсин:

"ҳудудларда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш дастурларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган манзилли рўйхатга киритилган устувор лойиҳаларнинг амалга ошириш;

белгиланган тартибда ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида халқаро консалтинг компаниялари ва экспертларни жалб қилиш, ўзининг IT-инфратузилмасини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустахкамлаш, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ходимларини, шунингдек, давлат органлари бўлинмаларининг ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарларини моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш".

7. Вазирлар Кенгашининг 2013 йил 31 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 январдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида" Низомни ва вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг штатдаги ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида" 18-сон қарори ҳақида"ги 25-сон қарорининг 2-банди билан маълумот учун қабул қилинган Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг штатдаги ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги намунавий низомда:

а) 4-бандга қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши қўшилсин:

"Ихтисослаштирилган бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилишда уларнинг белгиланган тартибда ўтказиладиган аттестациядан ўтиши натижалари ҳисобга олинади";

б) 8-банддаги "50 фоизгача" сўзлари "камида 100 фоиз" сўзлари билан алмаштирилсин.

**8.** Вазирлар Кенгашининг 2014 йил 28 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги "Электрон ҳукумат тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 102-сон қарори тўғрисида"ги 110-сон қарорида 2 банднинг:

а) "б" банднинг биринчи хатбошидаги "Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича Давлат инспекциясининг" сўзлари "Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекциянинг" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) "в"-банднинг иккинчи хатбошидаги "Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича Давлат инспекциясининг" сўзлари "Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекциянинг" сўзлари билан алмаштирилсин;

в) маълумот учун қабул қилинган 2 иловада:

2-банди биринчи хатбошидаги "Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича Давлат инспекцияси томонидан" сўзлари "Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

**9.** Вазирлар Кенгашининг 2015 йил 19 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 майдаги "Давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда Давлат органлари ва бошқа тошкилотларнинг идоралараро ахборот ҳамкорлиги тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 120-сон қарори ҳақида"ги 122-сон қарорининг 2 банд билан маълумот учун қабул қилинган 1-илованинг:

23-бандидаги "Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича Давлат инспекцияси" сўзлари "Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция" сўзлари билан алмаштирилсин.

**10.** Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 23 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 728-сонли қарори ҳақида"ги 651-сон қарорида 2 "б" банди билан маълумот учун қабул қилинган 1-илованинг:

35-бандидаги "Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича Давлат инспекцияси томонидан" сўзлари "Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция томонидан" сўзлари билан алмаштирилсин.

**11.** Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 декабрдаги "Экспорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 1006-сон қарори тўғрисида"ги 851-сон қарорида 2 банд билан маълумот учун қабул қилинган Экспорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

"Тадбиркорлик субъектлари экспорт контракти тузмасдан ва товарлар, ишлар (хизматлар) экспорти учун банк воситачилик ҳақи олинмасдан Интернет тармоғидаги электрон савдо майдончалари воситасида товарлар, ишлар (хизматлар) экспортнни амалга оширишга ҳақлидир, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича айрим товарлар бундан мустасно".

**12.** Вазирлар Кенгашининг 2018 йил 11 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, шунингдек, унинг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 1038-сон қарори ҳақида"ги 18-сон қарорида 2 банд билан маълумот учун қабул қилинган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисидаги низомиинг 9-бандига қуйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши қўшилсин:

"Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази".

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR KENGASHI
QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI MINISTRLER KENESI
UMUMIY BO'LIM
ULIWMA BO'LIM